

**Сув хўжалиги вазирлиги томонидан қонунчилик ҳужжатлари ижросини
таъминлаш бўйича амалга оширилган ишлар тўғрисида
МАЪЛУМОТ**

2026 йил 1 февраль ҳолатига

Сув хўжалиги соҳасида ижро интизомига қатъий риоя этилишини таъминлаш юзасидан мустаҳкам тизим яратиш, тартиб ўрнатиш, темир интизомни жойига қўйиш, раҳбарлар ва ходимларнинг дунёқарашини ўзгартириш – соҳа ходимларининг энг муҳим ҳамда асосий фаолият мезонларидир.

“Ijro.gov.uz” тизимидаги Давлат раҳбари ва Вазирлар Маҳкамасининг ҳужжатлари билан вазирликка юклатилган топшириқлар ижроси Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 31 майдаги ПҚ–5132-сонли қарори асосида ташкил қилинган ягона ва узлуксиз “технологик занжир” асосида амалга оширилиб, ижро интизомига риоя этиш борасида қатъий тартиб, интизом ва тизимли назорат ўрнатилиб, муайян натижадорликка эришилди.

2026 йилнинг январь ойида ижроси таъминланиши лозим бўлган Ўзбекистон Республикаси Президенти, Администрация раҳбари ҳамда Вазирлар Маҳкамаси топшириқларини 25 январга қадар ижросини таъминлашга қаратилган I–II картотека топшириқлар рўйхати 17 декабрь куни, вазир ўринбосарлари кесимидаги Календарь режа ҳамда “Йўл харита”лар ишлаб чиқилиб, вазир билан эслатма ва ижро учун барча вазир ўринбосарлари, вазирлик марказий аппаратининг бошқарма ва мустақил бўлим бошлиқлари ҳамда вазирлик тасарруфидаги республика ташкилотлари раҳбарларига етказилган.

Ҳисобот даврида ижроси таъминланиши лозим бўлган Администрация раҳбарининг 19 та, Вазирлар Маҳкамасининг 32 та (100%) топшириғи тўлиқ бажарилган ва ўрнатилган тартибда назоратдан чиқарилган.

Президент топшириқларининг 71 тасидан 70 таси бажарилган. Бугунги кунда бижарилмасдан қолган битта топшириқни назоратдан олиш чоралари кўрилмоқда.

Шунингдек, 2026 йил февраль ойида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 78 та топшириғи назоратга олинган бўлиб, шундан 49 тасида вазирлик асосий ижрочи, 29 тасида ҳам ижрочидир.

Администрация раҳбарининг 23 та топшириғи назоратга олинган бўлиб, шундан, 19 тасида вазирлик асосий ижрочи, 4 тасида ҳам ижрочи ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 27 та топшириғи назоратга олинган бўлиб, шундан, 19 тасида вазирлик асосий ижрочи ва 8 тасида ҳам ижрочи этиб белгиланган.

Топшириқлар ижросини ташкил этиш билан боғлиқ масалалар ҳар ҳафта вазирлик марказий аппарати йиғилишлари ҳамда ҳар ой якуни билан ҳайъат йиғилишида танқидий таҳлил қилиб борилмоқда.

Ташкилий назорат ва таҳлил бўлими